QORAQALPOG‘ISTON
RESPUBLIKASI
TO‘RTKO‘L TUMANI HOKIMINING
QARORI

QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASÍ
TÓRTKÚL RAYONÍ HÁKIMINIŃ
SHESHIMI

231200 . Qoraqalpog‘iston Respublikasi To‘rtko‘l tumani, To‘rtko‘l ko‘chasi 53-uy.
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

2021 йил «2» август 23-13-190-Q/21 Тўрткўл туман ҳокимияти

# Тўрткўл тумани ҳокимининг 2021 йил 13 феврал кунги “Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 62-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 март кунги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 125-сонли қарорига, Тўрткўл тумани адлия бўлимининг 2021 йил 18 майдаги 13/1-7/112-сонли тақдимномасига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 март кунги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 125-сонли қарори ҳамда Тўрткўл тумани адлия бўлимининг 2021 йил 18 майдаги 13/1-7/112-сонли тақдимномаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Тўрткўл тумани ҳокимининг 13.02.2021 йилдаги 62-сонли қарорининг асос қисмидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори ва 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2019 йил 30 мартдаги 272-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий тарзда техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан” жумлалари чиқариб ташлансин.

**3.** Тўрткўл тумани ҳокимининг 13.02.2021 йилдаги 62-сонли қарорининг

2-банди “д” кичик банди **“биринчи марта рўйхатга олинаётган янги транспорт воситалари бундан мустасно”** сўзлари билан тўлдирилсин ҳамда “е” кичик банди чиқариб ташлансин.

**4.** Тўрткўл тумани ҳокимининг 13.02.2021 йилдаги 62-сонли қарорининг 3-банди бекор қилиниб, “Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бошқа транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 декабрда ўтказилади” сўзлари билан ўқилсин.

**5.** 4-бандидаги 1-иловага мувофиқ сўзлари **“иловага мувофиқ”** сўзлари билан алмаштирилсин ҳамда тумандаги барча ташкилот, корхона, муассасаларнинг давлат томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин сўзлари чиқариб ташлансин.

**6.** 5-банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник-кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 125-сон қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари мазкур идоралар белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилади” сўзлари билан ўзгартирилсин.

**7.** Туман ҳудудидаги барча корхона ва ташкилотлар ушбу қарор асосида транспорт воситаларини белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтказиш чораларини кўрсинлар.

**8.** Мазкур қарор “Тўрткўлнома” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

**9.** Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**10.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ибадуллаев зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Р.Шамуратов**